

**АКАДЕМИК В.ВОҲИДОВ НОМИДАГИ РЕСПУБЛИКА
ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ХИРУРГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ТИББИЁТ МАРКАЗИ ва ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Tib.49.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХАЛИКОВ САРВАР ПУЛАТОВИЧ

**ТРАХЕЯНИНГ ЧАНДИҚЛИ ТОРАЙИШИДА ДИАГНОСТИКА
АЛГОРИТМИНИ ВА ЖАРРОҲЛИК ДАВОЛАШ ЧОРАЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ДОКТОРЛИК (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2019

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.3.DSc/Tib244 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.rscs.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Беркинов Улугбек Базарбаевич тиббиёт фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Паршин Владимир Дмитриевич тиббиёт фанлари доктори, профессор, РФА мухбир аъзоси Худайбергенов Шухрат Нурматович тиббиёт фанлари доктори Акилов Хабибулла Атауллаевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Ведущая организация:	«Академик Б.В.Петровский номидаги хирургия илмий маркази» Федерал Давлат бюджет ташкилоти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази ва Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Tib.49.01 рақамли Илмий кенгашининг 2019 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42; e-mail: cs.75@mail.ru, Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази мажлислар зали).

Докторлик диссертацияси билан Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт марказининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (76-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100115, Тошкент шаҳри Кичик ҳалқа йўли 10-уй. Тел.: (+99871) 277-69-10; факс: (+99871) 277-26-42.

Диссертация автореферати 2019 йил «_____» _____ кун тарқатилди.
(2019 йил «_____» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф.Г. Назиров

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси
тиббиёт фанлари доктори, профессор,
академик

А.Х. Бабаджанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.В. Девятов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Интенсив даволаш ва реаниматологиянинг ривожланиши трахея посттравматик касалликлари бўлган беморлар сонининг ўсишига сабаб бўлди, реабилитация даврида узок муддатли ўпка сунъий вентиляциясидан кейин трахеянинг чандикли торайиши (ТЧТ) ривожланади. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, “бу ҳолатларда ТЧТ ривожланиш кўрсаткичи 0,2 дан 25% гача ва ўртача 3-4% ни ташкил этади¹. Шу билан бирга, маълумки, аксарият беморларда ҳатто қисқа муддатли интубация ҳам ҳиқилдоқ ва трахеяда патологик ўзгаришга олиб келиши мумкин. Интубация давомийлиги 7 кундан ортиқ бўлса, асорат даражаси 21% дан 75% гача этади². Трахея торайиши бўлган беморларда нафас олиш йўлларининг қайта тиклаш учун торакал жарроҳликнинг сўнгги ютуқлари асосида кўплаб турли хил усуллар таклиф қилинган. Бугунги кунда трахеянинг циркуляр резекцияси энг самарали даволаш усули ҳисобланиб, бу амалиёт зарарланган сегментни олиб ташлаш ва трахея ўтказувчанлигини тиклашга имкон беради. Бироқ, бу соҳадаги мураккаб анатомик муносабатлар туфайли радикал жарроҳлик амалиёти товуш бойламларининг, ҳиқилдоқ қайтувчи нервининг зарарланиш хавфини оширади ва ҳиқилдоқ дистал қисмини каркас вазифасини бузади. ТЧТнинг кенг тарқалиши, уларнинг прогрессив кечиши, беморларнинг эрта ногиронлиги ва ўлим структурасида сезиларли ҳажми, ушбу тоифадаги беморларни даволашни такомиллаштириш заруратини белгилаб беради.

Жаҳон амалиётида жароҳатдан кейинги трахеянинг чандикли торайишини мақсадли ўрганиш учун бир қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда, шу жумладан, жараённи жадаллаштирувчи хавф омиллари ўрганилмоқда: интубацион найчанинг манжеткаси босими ёки ортиқча ҳаракатчанлиги туфайли шиллиқ қаватнинг шикастланиши, турли даражадаги шок туфайли микроциркуляциянинг бузилиши, инфекция, узок муддатли сунъий нафас олиш давомида эндотрахеал найчани парвариш қилишдаги нуқсонлар, шунингдек, трахеостомия бажаришдаги техник хатолар. Трахея шиллиқ қаватининг шикастланишининг трахея деворининг нормал тузилмаларининг қўпол чандикли тўқимага алмашишига олиб келувчи яраланиши сабаб-оқибат боғлиқлиги фаол ўрганилмоқда, бу эса аъзо бўшлиғининг торайишига, кейинчалик тоғай ҳалқаларининг каркас вазифасининг бузилишига олиб келувчи парчаланиши, трахеомаляция соҳаларининг ҳосил бўлишига олиб келади. Вентиляциянинг узок муддатли бузилишининг инсон организмга таъсирининг патоморфологик таҳлили давом этмоқда, бунда узок муддатли ТЧТ касаллигини келтириб чиқариб, дастлаб юрак - қон томир тизими, меъда ва буйрак томонидан функционал

¹ Gaspar MTDC, Maximiano LF, Minamoto H, Otoch JP. Tracheal stenosis due to endotracheal tube cuff hyperinflation: a preventable complication. // Autops Case Rep. 2019 Jan 14;9(1):e2018072.

² Peng Q, Zhang L, Ren Y, He W, Xie D, Jiang G, Zhu Y, Zheng H, Chen C. Reconstruction of Long Noncircumferential Tracheal or Carinal Resections with Bronchial Flaps. // Ann Thorac Surg. 2019 Mar 27. pii: S0003-4975(19)30413-8.

ўзгаришлар, узоқ муддатларда кечганда эса шу аъзоларда қайтмас ўзгаришларга олиб келади.

Миллий соғлиқни сақлаш тизимининг ҳозирги босқичида аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам сифатини яхшилаш ва қамровини сезиларли кенгайтиришга қаратилган кўплаб мақсадли чора-тадбирлар ўтказилмоқда. Бу йўналишда, хусусан, трахея торайиши бўлган беморларни хирургик даволаш сифатини яхшилашда бир қатор ижобий натижаларга эришилган, хусусан: ТЧТ ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволашнинг янги усуллари жорий этилди, эндоскопик ва жарроҳлик усуллари босқичма-босқич қўллаш тамойиллари ишлаб чиқилди. Соғлиқни сақлаш тизимида ўтказилиётган кўплаб мақсадли чора-тадбирларга қарамасдан, ҳозирги кунда, шу жумладан, жарроҳлик соҳасида бир қатор вазифалар ўз ечимини топиши керак. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегиясида аҳолининг заиф гуруҳларининг тўлақон ҳаёт кечиришини таъминлаш мақсадида тиббий-ижтимоий ёрдам тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш вазифалари белгиланган»³. Ушбу вазифаларни амалга ошириш, шу жумладан, трахея торайиши бўлган беморларни ташхислаш алгоритмининг оптималлаштириш ва хирургик даволаш усуллари такомиллаштириш орқали даволаш натижаларини яхшилаш долзарб йўналишлардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ-2866-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда онкологик хизматни ривожлантириш ва онкологик ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 10 майдаги 266-сон «Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти фаолияти тўғрисида»ги қарори ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи.⁴ Дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетлари томонидан, ТЧТ

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947- сонли Фармони, ЎзР Қонун Ҳужжатлари тўплами 2017 йил.

⁴ Диссертация бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи: Iwata T, Nabe Y, Hanagiri T, Tanaka F. A Successful Case of Tracheal Segmental Resection and Reconstruction for Cicatricial Tracheal Stenosis. // J UOEH. 2017;39(4):309-312; Parshin VD, Isaykin AI, Parshin VV, Gorshkov KM, Nogtev PV, Starostin AV, Parshin AV. Spinal complications after tracheal resection with anastomosis for cicatricial stenosis. // Khirurgiia (Mosk). 2017;(10):82-87; Khudaybergenov S, Eshonkhodjaev O, Abdusalomov S, Amanov B. Extended resection of the trachea in a patient with cicatricial tracheal stenosis after tracheostomy complicated with esophageal-tracheal fistula

билан касалланган беморларни комплекс даволашда ташхислаш ва даволаш натижалари сифатини яхшилашга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари дунёнинг кўплаб етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда, шу жумладан: Department of Surgery Harvard Medical School (Boston, Massachusetts), Department of General Thoracic Surgery University of Washington (Seattle, Washington), Department of Surgery, Copenhagen University Rigshospitalet (Denmark), Department of Thorax Diseases and Interventional Radiology of National Clinical Research Center for Fourth Military Medical University (China), Department of Internal Medicine, Chonnam National University Medical School, (Gwangju, South Korea), Department of Surgery, University Hospital Regensburg, (Germany), National Institute for Physiological Sciences (Tokio, Japan), KU Leuven (Belgium), Max-Planck-Institut für Molekulare Physiologie и Leibniz-Institut für Molekulare Pharmakologie (Berlin, Germany), University of Copenhagen (Denmark), University of Alabama at Birmingham and the Birmingham Veterans Affairs Medical Center (USA), НИЦ И.М.Сеченов номидаги Москва тиббиёт академиясининг ИИМ, РФА нинг Б.В. Петровский номидаги Россия жарроҳлик маркази (Москва, Россия), Тошкент тиббиёт академияси клиникаси (Тошкент, Ўзбекистон), Академик В.Вохидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургия илмий-амалий тиббиёт маркази (Тошкент, Ўзбекистон).

ТЧТ билан касалланган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволаш бўйича дунёда ўтказилган илмий тадқиқотлар асосида бир қатор муҳим илмий натижалар олинган, шу жумладан: трахея торайишини даволашнинг радикал усули нафас олиш йўлларининг торайган қисмини циркуляр резекция қилиш ва анастомоз қўйиш эканлиги, ундан сўнг касаллик қайталаниши 5-16%, амалиётдан кейинги даврда ўлим кўрсаткичи 10% гача етиши исботланган (Department of General Thoracic Surgery University of Washington, Seattle, Washington); дори воситалари ва физиотерапия муолажаларини қўллаган ҳолда консерватив даволаниш фақат касалликнинг бошланишида ва трахеянинг шиллиқ қаватига шикаст етказувчи сабаб баргараф этилганда самарали бўлиб, аммо чандикнинг ҳосил бўлишида самарасиз эканлиги кўрсатилган (Department of Internal Medicine, Chonnam National University Medical School, Gwangju, South Korea); нафас йўлларининг чандикли шикастланишларини даволашда эндоскопик босқичли пластик амалиётлар резекцион усулларга альтернативлиги, унинг камчилиги касалликнинг такрорланиш хавфи юқори бўлган узоқ муддатли даволаниш жараёни эканлиги аниқланган (Department of Thorax Diseases and

and extensive defect of the frontal tracheal wall. // *Kardiochir Torakochirurgia Pol.* 2017 Mar;14(1):55-58; Tsukioka T, Takahama M, Nakajima R, Kimura M, Tei K, Yamamoto R. Surgical reconstruction for tuberculous airway stenosis: management for patients with concomitant tracheal malacia. // *Gen Thorac Cardiovasc Surg.* 2015 Jul;63(7):379-85; Titov VA, Parshin VD, Rusakov MA, Alekseev AV, Kozhevnikov VA. Transesophageal tracheal intubation in patient with tracheoesophageal fistula and double level cicatricial tracheal stenosis. // *Anesteziol Reanimatol.* 2014 Jul-Aug;59(4):74-7; Neiva Machado J, Coutinho Costa J, Martins Y. A Case Report on a Patient With Benign Tracheal Stenosis Treated With a Tracheal Stent: 7 Years Without Complications. // *Arch Bronconeumol.* 2019 Apr 18. pii: S0300-2896(19)30125-5; Chen SJ, Wu ET, Wang CC, Chou HW, Chen YS, Huang SC. Excessive tracheal length in patients with congenital tracheal stenosis. // *Ann Thorac Surg.* 2019 Mar 5. pii: S0003-4975(19)30256-5.

Interventional Radiology of National Clinical Research Center for Fourth Military Medical University, China); трахея бўшлиғи тиклангандан кейин торайишнинг қайталаниши олдини олиш учун турли каркасли найчалар ва танталли, виталлийли ёки пластик эндопротезлардан фойдаланиш керак, бу такрорий амалиётларга эҳтиёжни камайтириши аниқланган (Department of Surgery Harvard Medical School, Boston, Massachusetts).

Ҳозирги кунда дунёда ТЧТ ни ташхислаш ва даволаш натижаларини яхшилаш бўйича тадқиқотлар давом эттирилмоқда, шу жумладан: трахея стенозлари ривожланиш профилактикасини такомиллаштириш ва нафас йўлларининг ривожланаётган чандиғини эрта ташхислаш, даволашнинг эндоскопик усулларининг имкониятларини аниқлаш ҳамда анъанавий амалиётларнинг техник жиҳатларини оптималлаштириш; минимал даражадаги салбий натижалар, шу жумладан, рестеноз шаклланиши кузатиладиган трахея стенозларини даволашнинг радикал усуллари сонини ошириш имконини берувчи янги юқори технологияли амалиётларни ишлаб чиқиш; ТЧТ ли беморларни эндоскопик ва резекцион амалиётлардан сўнг даволаш самарадорлигини баҳолаш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ҳозирги даврда турли торакал жарроҳлик мактабларида ТЧТ ни даволаш усулини танлаш бўйича турли хил фикрлар мавжуд. Бу эса ушбу муаммога, турли-туман қарашларни акс эттиради, унинг таркибида “ТЧТ ли беморларни комплекс ташхисини яхшилаш илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларидан бўлиб, трахеобронхиал дарахтнинг ўзига хос хусусиятларини батафсил тушунтириб беради, бу маълумотлар энг мақбул даволаш тактикасини танлаш учун ишлатилади” (Wilcox LJ⁵). Аксарият беморлар декомпенсацияланган торайиш белгилари билан клиникага мурожаат қилишади, шунинг учун етарли нафас олишни таъминлаш мақсадида трахея бўшлиғини тиклаш учун эндоскопик даволаш усулларидан фойдаланиш янада муҳим аҳамият касб этади. Ming W⁶ фикрига кўра, “ТЧТ нинг замонавий эндоскопик жарроҳлик усулларининг асосий мақсади ҳаво йўлларини тиклаш ва сақлашдир. Торайган трахея бўшлиғини тиклаш ҳам механик, ҳам чандиқ тўқимасига турли физик воситалар билан таъсир қилиш орқали амалга оширилади”.

Адабиётларни таҳлил қилиб, шу далилларни таъкидлаш керакки, баъзи жарроҳлар эндоскопик даволаниш усулларини афзал кўрмоқдалар, буни эса жарроҳлик амалиётининг юқори хавфи билан изоҳлайдилар. Бироқ, Паршин В.Д.⁷ нинг фикрига кўра, “ҳозирги кунда нафас йўллари чандиқли шикастланишларини даволашда дори воситалари, турли эндоскопик ва бошқа жарроҳлик усуллари қўлланилади. Мавжуд даволаш усулларининг

⁵ Wilcox LJ, Schweiger C, Hart CK, de Alarcon A, Peddireddy NS, Rutter MJ. Growth and Management of Repaired Complete Tracheal Rings after Slide Tracheoplasty. // Otolaryngol Head Neck Surg. 2019 Apr 9;194599819841893. doi: 10.1177/0194599819841893.

⁶ Ming W, Wang Y, Han JB, Zhang W, Dai H, Xu Y, Qu JN. Efficacy analysis of T type tube dilatation in adult cervical tracheal stenosis // Lin Chung Er Bi Yan Hou Tou Jing Wai Ke Za Zhi. 2018 Mar;32(5):372-374.

⁷ Паршин В.В. Хирургия рубцового стеноза трахеи в сочетании с трахеопищеводным свищом // Автореферат дисс. доктора мед наук, 2011 год, 128стр.

кўплиги уларнинг натижаларидан қоникмасликдан далолат беради”. Ну Т⁸ нинг маълумотларига кўра, “эндоскопик даволашда касалликнинг қайталаниши 50-81,2% ни, жарроҳлик усулида даволанганда 26-40,6% ни ташкил этади”. АҚШ да Chang E⁹ бошчилигида штатлараро архив маълумотларининг 1446 нафар беморда ўтказилган истиқболли рандомизациялашган таҳлиллари натижасида, “реконструктив амалиётлардан кейин асоратлар беморларнинг умумий ҳолатига боғлиқ ва жарроҳлик шифохонасининг даражасига боғлиқ эмас, эндоскопик амалиётлардан кейинги асоратларнинг кўрсаткичи нафақат тиббий марказининг даражасига, балки жарроҳнинг тажрибасидан келиб чиқади. Эндоскопик амалиётларнинг афзалликларига қарамасдан, муаллифлар беморнинг тикланиш вақтини ҳисобга олган ҳолда, резекцион амалиётлар тобора ишончли тикланиш имконини беради”.

Адабий маълумотлари таҳлили шуни кўрсатадики, ТЧТ ли беморларни эндоскопик ва жарроҳлик усулида даволаш натижалари сезиларли даражада яхшиланди, бунда, асосий долзарблик ва аниқловчи муаммо бўлиб эндоскопик ва анъанавий даволаш усуллари бажаришда босқичли, кетма кетлик тамойилини кўллаш бўлиб қолмоқда, бу эса даволаш-ташхислаш тактикасини кейинчалик такомиллаштиришни талаб этади, бунда бу гуруҳ беморларни эрта ташхислаш, даволаш, амалиётдан кейинги эрта асоратларини ва реабилитацияси билан боғлиқ кўплаб муаммолар ечими топилишидан узоқ.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот режасининг 01.07.0069-сонли “Инсон хирургик касалликларини диагностикаси ва даволашда янги технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш” мавзуси (2013-2018йй.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади трахея чандикли торайишли беморларни ташхислаш алгоритми ва жарроҳлик усулида даволаш тактикасини оптималлаштириш йўли билан даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

трахеяни чандикли торайишида бажарилган эндоскопик ва жарроҳлик амалиётлар самарадорлигини баҳолаш ва уларни яхшилашнинг асосий йўллари аниқлаш;

трахеяни чандикли торайиши таснифини такомиллаштириш;

трахеянинг юқори чандикли торайишида ларинготрахеал анастомоз шакллантириш усулини такомиллаштириш;

⁸ Hu T, Zhu X, Lei W. Complications associated with silicone T-tube placement in the treatment of cicatricial subglottic and tracheal stenosis. // Lin Chung Er Bi Yan Hou Tou Jing Wai Ke Za Zhi. 2015 Dec;29(24):2166-9.

⁹ Chang E, Wu L, Masters J, Lu J, Zhou S, Zhao W, Sun M, Meng F, Soo CP, Zhang J, Ma D. Iatrogenic subglottic tracheal stenosis after tracheostomy and endotracheal intubation: A cohort observational study of more severity in keloid phenotype. // Acta Anaesthesiol Scand. 2019 Apr 14. doi: 10.1111/aas.13371.

мультифокал ва давомий трахеяни чандикли торайишида жарроҳлик амалиёт усулларини ишлаб чиқиш, кўрсатмаларни аниқлаш ва амалиётга тадбиқ қилиш;

трахеянинг чандикли торайиши билан беморларни босқичли даволашда ишлаб чиқилган жарроҳлик усулларини ҳисобга олган ҳолда эндоскопик усуллардан фойдаланишга кўрсатмаларни аниқлаш;

трахеянинг чандикли торайишида эндоскопик ва жарроҳлик амалиётларини бажаришда ишлаб чиқилган ва оптималлаштирилган тактик ва даволаш тамойиллари самарадорлигини баҳолаш йўли билан уларнинг амалий қўлланилиши учун алгоритм ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент тиббиёт академиясининг II клиникасида 1985 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда трахеянинг чандикли торайиши бўлган 156 нафар беморни даволаш натижалари хизмат қилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб реабилитациянинг комплекс дастуридан фойдаланилган ҳолда замонавий юқори технологияли каминвазив жарроҳлик усулини қўллаш ёрдамида нафас йўллари магистрالي чандикли торайиши жараёнини бартараф этишнинг жарроҳлик тактикаси самарадорлигининг таҳлили ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотнинг мақсадига эришиш ва қўйилган вазибаларни бажариш мақсадида қуйидаги усуллар қўлланди: умумий клиник (қон ва сийдик умумий ва биокимёвий таҳлиллари), эндоскопик (ларинготрахеобронхофиброскопия, қаттиқ трахеобронкоскопия), нурли (МСКТ, МРТ) ва статистик тадқиқот усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нафас йўлларининг юқори қисми чандикли торайишларида, фистула худудида яллиғланиш жараёни ривожланиш хавфини камайтириш мақсадида, турли диаметрли аъзолар деворларини мослаштиришга мўлжалланган трахея-ҳиқилдоқ анастомозини қўйиш усули ишлаб чиқилган;

трахея ва ҳиқилдоқ чандикли торайишини циркуляр резекциясидан кейин ҳосил қилинган оқма қирраларини тикиш учун бирлаштириладиган тўқималарни ўзаро мослаш ва чоклар орасига бошқа тўқималар тушиб қолиш хавфини камайтириш имконини берган усул ишлаб чиқилган;

патологик жараённинг тарқалишини баҳолаш ва нафас йўлларининг чандикли зарарланишларида прогрессив шикастловчи динамик ўзгаришларни баҳоланишини ҳисобга олган ҳолда трахея чандикли торайишларини шакллантиришнинг клиник ва патогенетик хусусиятлари аниқлаштирилган;

патологик жараённинг проксимал қисмида реконструктив пластик амалиётлардан сўнг трахея чандикли торайишининг дистал қисмини босқичма-босқич циркуляр резекция қилиш нафас йўлларини қониқарли тикланишига имкон бериши исботланган;

нафас йўллари мультифокал зарарланишларини реконструктив тиклаш усулини танлаш учун клиник-ташхислаш мезонлари чандиқ жараённинг сабаби, тури ва давомийлиги бўйича аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нафас йўллариининг юқори чандикли торайишларида тикланувчи аъзоларнинг турли диаметрини ҳисбога олган ҳолда, анастомозит ривожланиш хавфини камайтиришни таъминловчи ва тегишли равишда чандикли торайиш қайталанишини камайтириш имконини берган трахея-ҳиқилдоқ анастомозини қўйиш усули ишлаб чиқилган;

трахея ва ҳиқилдоқ чандикли торайишини циркуляр резекциясидан кейин ҳосил қилинган оқма қирраларида чоклар юзасида зўриқишни тенг тақсимлаш, амалиётдан кейинги ўзига хос асоратлар хавфини камайтириш имкони берган ғолда шакллантириладиган тешиқ қирғоқларини тикиш усули такомиллаштирилган;

ушбу тоифадаги беморларда патологик жараённинг кечиш оғирлигини тўлақонли аниқлаш ва эндоскопик ёки жарроҳлик даволашнинг усулларини устуворлигини белгилаш имконини берган, трахея чандикли торайиши таснифи такомиллаштирилган;

патологик жараённинг асосий патогномоник кўринишлари ва минимал инвазив ёки анъанавий амалиётлардан фойдаланишда кўп томонлама ёндашувни ҳисобга олган ҳолда трахея чандикли торайишини ташхислаш алгоритми оптималлаштирилган ва даволашнинг оқилона тактикаси танланган;

трахея мультифокал чандикли торайиши радикал даволанган беморларнинг сонини кўпайтириш, шунингдек, салбий натижалар хавфини бартараф этиш нуқтаи назаридан даволаш усулини танлаш учун тавсия этилган тактик алгоритмнинг клиник самарадорлиги исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Натижаларнинг ишончлилиги беморларнинг ҳолатини баҳолаш, диагностика ва даволашнинг замонавий усуллари, методологик ёндашувлар ва статистик таҳлил тўпламларини тўғри қўллашда объектив мезонлардан фойдаланган ҳолда тасдиқланган. Тадқиқот этарли миқдордаги клиник материаллар бўйича олиб борилган. Тадқиқот усуллари трахея чандикли торайиши бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволашда замонавий илмий ва амалий ғоялар ва ёндашувларга асосланган. Кўриб чиқилган муаммоларни ҳал этиш тиббий статистиканинг замонавий тасдиқланган усуллари билан амалга оширилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, олинган хулоса ва таклифлар назарий аҳамиятга эга бўлиб, трахея чандикли торайиши бўлган беморларни ташхислаш ва жарроҳлик усулида даволаш хусусиятларини ўрганишга катта ҳисса қўшади. Трахея чандикли торайиши жадаллашувини патогномик мезонлари аниқланган, патологик жараённинг тарқалишининг нафас йўллари чандикли деформациясида динамикадаги ўзгаришларнинг нисбий кўрсаткичлари ҳисобга олинган. Нафас йўллари мультифокал чандикли торайишлари тиклаш усулларини танлаш мезонлари ишлаб чиқилган. Тадқиқотнинг алоҳида натижалари трахея чандикли торайиши бўлган беморларнинг клиник белгилари, ташхислаш, эндоскопик ва жарроҳлик усулида даволашга бағишланган

мавзуларда магистр, клиник ординаторлар ва курсантлар учун ўқув дастурининг мазмуни ва таркибини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шунинг билан аниқланадики, трахея юқори чандикли торайишларида ишлаб чиқилган трахея-ҳиқилдоқ анастомозлари қўйиш усули жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилаш, амалиётдан кейинги асоратлар частотасини камайтириш, беморларни шифохонада бўлиш давомийлигини қисқартиради. Трахея ва ҳиқилдов чандикли торайишларида циркуляр резекцияда ҳосил қилинадиган тешик қирғоқларини шакллантириш усулини клиник амалиётга қўллаш амалиётдан кейинги эрта ва кеч қайталанишлар частотасини камайтириш имконини беради. Реконструктив амалиётлар билан комплекс тарзда эндоскопик амалиётларни қўллаган ҳолда ишлаб чиқилган дифференцирланган ёндашув алгоритми жарроҳлик даволаш усулини танлаш жараёнини оптималлаштириш, ва умуман, бу оғир гуруҳ беморларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам самарадорлигини яхшилаш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Трахея чандикли торайиши бўлган беморларни юқори технологик жарроҳлик усулида даволаш сифатини яхшилашга бағишланган тадқиқот бўйича олинган илмий натижалари асосида:

ишлаб чиқилган “Трахея юқори чандикли торайишларида трахея-ҳиқилдоқ анастомозлари қўйиш усули» га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 05200-сон патент). Таклиф этилган усулнинг қўлланилиши амалиётдан кейинги асоратларни 36% дан 7,8% гача камайтиришни ва 72,0% дан натижаларни 94,1% гача оширган;

ишлаб чиқилган “Трахея чандикли торайишларини циркуляр резекциясидан кейин трахея-ҳиқилдоқ анастомозларида чокларни қўйиш усули” га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (IAP 05550-сонли патент). Бундай ҳолатларда тавсия этилган усулни қўллаш амалиётдан кейинги асоратлар сонининг 8,2% дан 1,9% гача камайтириш имконини берган;

“Трахея чандикли торайишини жарроҳлик йўли билан даволаш усуллари” ва “Трахеянинг ўткир травмалари” услубий тавсияномалари тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2019 йил 30 апрелдаги 8н-з/56-сон маълумотномаси). Таклиф этилган тавсиялар эндоскопик ва жарроҳлик усуллариининг самарадорлигини ошириш ва имкониятларини кенгайтириш, амалиётдан кейинги асоратларнинг частотасини пасайтириш, шунингдек амалиётдан кейинги яқин ва узоқ даврда яхши натижаларга эришиш имконини берган;

Трахея чандикли торайишили беморларда юқори технологик хирургик ёрдам сифатини яхшилаш бўйича бажарилган диссертация ишидан олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалий фаолиятига, хусусан, Тошкент тиббиёт академиясининг II ва III клиникалари амалий фаолиятига (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 2019 йил 30 апрелдаги 8н-з/56-сон маълумотномаси) татбиқ этилган. Трахея чандикли торайишини жарроҳлик усулида даволашда тавсия этилган алгоритм ва янги усуллари ихтисослаштирилган тиббий

ёрдам турини кенгайтиришга ва умуман даволашнинг умумий самарадорлигини 77,2% дан 91,6% гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан, 3 та халқаро ва 5 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган, шу жумладан, 9 та мақола, улардан 7 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда, барчаси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 193 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқотнинг республика илмий ва тадқиқотлари устувор йўналишларига мослигини, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Трахея чандикли торайишини ташхислаш ва **жарроҳлик усулида даволашнинг тарихий тамойиллари ва муаммонинг замонавий ҳолати**” деб номланган биринчи бобида адабиётлар тахлили келтирилган, етти та бўлинмадан иборат бўлиб, трахея чандикли торайишини тарихий, этиологияси, патогенези, классификация турлари, ташхислаш, шунингдек эндоскопик ва **жарроҳлик усулида даволашнинг солиштирма тамойиллари келтирилган.** Кейинчалик ишланмаларни талаб этувчи мунозарали ва ҳал этилмаган масалалар кўрсатилган.

Диссертациянинг “**Клиник материалнинг ва қўлланилган текширув усуллари хусусиятлари**” деб номланган иккинчи бобида, ТЧТ билан оғриган 156 та эндоскопик амалиётлар (ЭА), босқичли реконструктив пластик амалиётлар (РПА) ва трахеянинг циркуляр резекцияси (ТЦР) ўтказилган беморлар тасвирланган. Барча беморлар икки гуруҳга бўлинган: таққослаш ва асосий гуруҳига. Таққослаш гуруҳида, анъанавий эндоскопик ва жарроҳлик усулида даволанган 61 нафар бемор маълумотлари ташкил этган, касалликнинг кечиши таҳлил қилинган, асоратларни юзага келиш частотаси, муддати ва сабаблари аниқланган. Асосий гуруҳга (95 бемор) ишлаб чиқилган усуллар ва даволаш алгоритмига асосланган эндоскопик ва жарроҳлик амалиётлари ўтказилган беморларни қамраб олган.

ТЧТ диагностикаси ушбу патологияда стандартлар текширувлар тўпламини ўз ичига олган: шикоятларни йиғиш, анамнез, объектив кўрик, лаборатор кўрсаткичлар, рентгенологик маълумотлар (бўйин ва кўкрак қафаси МСКТ си), эндоскопик текширув усуллари.

Кузатувдаги беморларнинг кўпчилигида, кўплаб тадқиқотчиларнинг фикри каби, ТЧТнинг ривожланишига давомийли ўСН ва трахеостомия натижасида трахея деворига зарар етказиши олиб келган. Шу билан бирга, таъкидлашни лозимки, ТЧТ 2 беморда трахеяда ҳеч қандай амалиётларсиз юзага келган. Иккала бемор ҳам Вегенер касаллиги билан касалланган.

Асосий, ҳамда таққослаш гуруҳида ТЧТ кўпинча трахеянинг бўйин қисмида жойлашган эди. 1-жадвалда трахеядаги чандиқли жараённинг жойлашуви акс эттирилган.

1-жадвал

Трахеяда чандиқли жараённинг жойлашиши

Жойлашиши	Таққослаш гуруҳи		Асосий гуруҳ		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Бўйин қисми	42	68,9	62	65,3	104	66,6
Юқори кўкрак қисми	9	14,8	16	16,8	25	16
Бифуркация усти қисми	4	6,5	7	7,4	11	7,1
Кўшма зарарланиш	6	9,8	10	10,5	16	10,3
Жами	61	39,1	95	60,9	156	100

Эслатма: Таққосланган гуруҳларда чандиқли жараён ўрни буйича ишончли фарқ аниқланмади ($P > 0,05$).

Шуни таъкидлаш керакки, зарарланиш трахеянинг бўйин қисмида жойлашганда ҳиқилдоқнинг бойлам ости қисми таққослаш гуруҳида 24 (57%), асосий гуруҳда эса 35 (56%) та ҳолатда кузатилган.

Барча беморлар орасида чегараланган стенозлар (2 см. гача) сони давомий торайишли (2 см. дан ортиқ) (21,2%) беморларнинг қараганда 3 мартадан ортиқ (78,8%) бўлган. Трахеянинг узунлиги барчада бир хил бўлмаслигини ва давомий ТЧТ ларида ТЦР самарадорлигини баҳолашда, трахеянинг торайган қисмининг нисбий узунлигини 4 варианты аниқланган. Касалларнинг трахеянинг чандиқли торайиш жараёни узунлигига кўра тақсимланиши 2 жадвалда акс эттирилган.

2-жадвал

Трахеяда чандиқли жараённинг узунлиги

Даража	Таққослаш гуруҳи		Асосий гуруҳ		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
1 даража (10% гача)	16	26,2±5,7	23	24,2±4,4	39	25,0±3,5
2 даража (25% гача)	33	54,1±6,4	52	54,7±5,1	85	54,5±4,0
3 даража (50% гача)	10	16,4±4,8	16	16,9±3,8	26	16,7±3,0
4 даража (50% гача)	2	3,3±2,3	4	4,2±2,1	6	3,8±1,5
Жами	61	39,1±3,9	95	60,9±3,9	156	100

Эслатма: Таққосланган гуруҳларда чандиқли жараён узунлиги буйича ишончли фарқ аниқланмади ($P > 0,05$). Ҳар икки гуруҳ ҳам торайиш даражаси бўйича репрезентатив.

Тақдим этилган материалдан иккала гуруҳда трахея зарарланиш мураккаблиги нуқтаи назаридан репрезентатив бўлган.

Диссертациянинг “Трахея чандиқли торайиши бўлган беморларни даволашда эндоскопик ва босқичли реконструктив пластик усулларнинг натижалари” деб номланган учинчи бобида, ТЧТ билан касалланган 156 бемордан ЭА ва БРПА нинг турли хил вариантлари қўлланилган 80 бемор натижаларини умумлаштирилган. Ушбу беморларда ЭА нинг бажарилиши биринчи навбатда ТЧТ билан боғлиқ нафас етишмовчиликни бартараф этишга ва ТЦР га эришиш имкониятларини аниқлашга қаратилган. Уларни ўтказиш имконияти мавжуд бўлмаганда ЭА лар мустақил усул сифатида ишлатилган ёки БРПА қўлланилган. 3-жадвалда бажарилган ЭА турлари акс эттирилган.

3-жадвал

ТЧТ беморларда ЭА ларнинг турлари

Эндоскопик ва босқичли даволаш	Таққослаш гуруҳи		Асосий гуруҳ		Жами	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Трахея чандиқини бужлаш ва коагуляция қилиш	32	88,8	28	63,6	60	75
Трахеяни эндопротезирлаш	4	11,2	13	29,6*	17	21,2
Трахеостомияни бартараф этиш билан бажарилган эндопротезлаш	-	-	3	6,8*	3	3,8
Жами	36	45	44	55	80	100

Эслатма:* - Таққослаш гуруҳи кўрсаткичлари билан солиштирганда ишончли (*-P<0,05)

ЭА нинг бужлаш ва коагуляция кўриниши беморни оғир ҳолатдан чиқишига имкон берган. ЭА нинг у ёки бу турини ёки уларнинг комбинациясидан фойдаланиш чандиқнинг хусусияти ва унинг узунлиги билан боғлиқ бўлган. Шундай қилиб, бу 12 та ҳолатда грануляциялашган, бошқаларида эса зич ва стабил бўлган.

ЭА нинг жиддий камчилиги торайишнинг қайталаниши сабабли уни такрорий ишлатиш зарурати бўлган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, беморда ЭА қўллашнинг фақат 8 (10%) ҳолатларида стенознинг барқарорлашуви қайд этилган. Уларда грануляцияловчи чандиқ узунлиги трахея узунлигидан 10% дан кўп бўлмаган ҳолатларда аргон-плазма (асосий гуруҳда) ёки электрокоагуляция (таққослаш гуруҳида) билан грануляцияловчи чандиқ олиб ташланган. ЭА улар учун мустақил даволаш усули бўлган.

Қолган беморларда рестеноз ривожланиши натижасида трахеянинг торайган жойлари такрорий (2 мартадан кўпроқ) бужлаш ёки электрокоагуляцияга бажарилган. Ушбу беморлар ТЦР ни амалга ошириш учун шароит йўқлиги сабабли эндоскопик стентлаш ёки БРПА бажарилган.

Шуни таъкидлаш керакки, бажарилган ЭА нинг табиати ва уларнинг турлари нисбати турли йилларда ҳар хилда бўлган. 2005 йилгача бўлган даврда ЭА лар ҳар доим самарали бўлмаган. Шундай қилиб, таққослаш гуруҳида 7 (11,5%) ҳолатда самарасиз ЭА лар ва жарроҳлик амалиётларининг

амалга ошириш имконияти бўлмаганлиги сабабли торайиш сегменти остида трахеостомия қўйилган.

2005 йилдан кейин нафас олиш йўлларида реконструктив амалиётлар учун кенг кўрсатмалар қўйилган, шунинг учун ТЧТ билан касалланган беморлар учун мустақил даволаш учун реканализация кам ўтказилган ва амалиёт учун вақтинчалик тайёргарлик бўлган.

Шу билан бирга, БРПА ва трахеянинг эндопротезлаш нисбати сезиларли даражада кўтарилган (таққослаш гуруҳида 12 та, асосий гуруҳда – 26 та) бу эса асосий гуруҳдаги трахея торайишини жарроҳлик усулида даволаш натижаларига ижобий таъсир кўрсатган.

ТЧТ ли беморларнинг 20 (25%) қисмида эндопротезлаш бажарилган, ва ҳар икки гуруҳда турли протез қўлланилган, масалан, таққослаш гуруҳидаги 4 беморда – бўлинган найча шаклидаги интубация трубкаси, асосий гуруҳдаги 10 та ҳолатда – бўйин юмшоқ тўқималари соҳасига чок билан мустаҳкамланувчи силлиқ юзали чизиқли, ва бошқа 6 ҳолатда – ўзи фиксацияланувчи силикон каучук (Dumon stent) қўлланилган. Таққослаш гуруҳида трахеяни тиклаш учун 2-3 эндопротезлаш бажарилган асосий гуруҳ беморларидан фарқли ўлароқ, кўп сонли репротезлаш амалга оширилган.

ЭРПА ни бажаришда қоида тариқасида, трахеопластикадан сўнг термопластик интубация трубкаси (бўлинган зонд) шаклида стент-протектор ишлатилган.

Асосий гуруҳда ЭРПА Т шаклидаги силикон найчадан фойдаланилган. ЭРПА дан кейин рестеноз ривожланиши таққослаш гуруҳида 4 (33,3%), асосий гуруҳда эса - 5 (19,2%) беморда кузатилган. Уларда ижобий натижа берган такрорий трахеопластика амалга оширилган. Трахеопластика сони баъзан битта беморда 3-5 мартагача бажарилган.

ЭРПА нинг асосий гуруҳдаги беморларда даволаниш муддатини қисқартириш мақсадида радикал амалиётларга тайёргарлик босқичларидан бири бўлган. Торайган соҳанинг краниал қисми ЭРПА ёрдамида тикланди, кейин дистал қисмида бир босқичли ТЦР бажарилган.

ТЧТ билан касалланган беморларда даволаниш тактикаси ўзгариши натижаси такрорий эндоскопик ва трахеопластик амалиётлар сонининг камайишига олиб келди, бу эса беморларни даволашни тезлаштириш, шунингдек, уларда радикал ТЦР амалиётларини ўтказиш имконини берган.

Диссертациянинг **“Трехея чандиқли торайиши бўлган беморларни жарроҳлик усулида даволаш натижалари”** деб номланган тўртинчи бобида, ушбу патологияда резекцион амалиётлар натижаси тақдим этилган.

Битта босқичли амалиёт сифатида ТЦР ни 76 беморда бажарилган, шундан 25 та амалиёт 2005 йилгача, 51 та амалиёт 2005 йилдан кейин амалга оширилган.

2005 йилгача чандиқли торайишларда жарроҳлик стенози учун бир вақтнинг ўзида бажарилган амалиётларнинг ягона тури учма уч трахео-трахеал ва ларинго-трахеал анастомоз билан яқунланган.

Асосий гуруҳда 41 та беморда трахея ёки ҳиқилдоқнинг интакт деворлари орасидаги тешик қўйиш билан ТЦР си ўтказилган. Асосий

гурухдаги амалиётларнинг мутлоқ сонининг ортиши, назорат гуруҳида ЭА ёки ЭРПА бажарилганда, узун ТЧТ ҳолатларида тез-тез амалга оширилиши билан боғлиқ (4-жад.).

4-жадвал

Трахеядаги чандиқнинг давомийлигига кўра радикал амалиётлар сони

Даража	Таққослаш гуруҳи		Асосий гуруҳ		Жами	
	Бемор сони	амалиётлар сони *	Бемор сони	амалиётлар сони *	Бемор сони	амалиётлар сони
1 даража (10% гача)	16	10(62,6%)	23	15(65,3%)	39	25(64,1%)
2 даража (25% гача)	33	13(39,4%)	52	24(46,2%)	85	37(43,5%)
3 даража (50% гача)	10	2(20%)	16	10(62,5%)**	26	12(46,1%)
4 даража (50% дан ортик)	2	0	4	2 (50%)	2	2(50%)
Жами	61	25	95	51	156	76

Изоҳ: * - фоиз шу босқичдаги стенози бўлган беморлар сонига нисбатан ҳисоблаб чиқилган.

** - натижалар таққослаш гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан ишончли ($P < 0,05$).


ТЦР сонининг кўпайиши билан бир қатор техник қўлланмалар, жумладан, 6 та беморда унинг трахеостомия билан комбинациялашгани, шунингдек, бир беморда ЭРПА дан сўнг нафас йўллариининг чандиқли жараёнини резекция қилиш ўтказилди. Бундан ташқари, мультифокал торайишларда 3 беморда ТЦР амалиёти унинг иккита ўринда жойлашганида бажарилган. Баъзи беморларда трахеостомия канюласининг узоқ муддатли қолиши билан боғлиқ мультифокал торайишлар ҳосил бўлиши нафақат трахеянинг пастки қисмида, балки трахеостомия соҳасида, бу эса таққослаш гуруҳида бемор учун узоқ муддатли даволанишга мажбурловчи ЭРПА учун кўрсатма бўлган (жад. 5).

5-жадвал

Трахеянинг циркуляр резекцияси турлари

Амалиёт тури	Таққослаш гуруҳи	Асосий гуруҳ	Жами
ТЦР си трахео-трахеал анастомоз билан	18 (72,0%)	30 (58,8%)	48
ТЦР си ларинго-трахеал анастомоз билан	7 (28,0%)	12 (23,5%)	19
ТЦР си трахеостома ва трахео-трахеал анастомоз билан	-	3 (5,9%)	3
ТЦР си трахеостома ва ларинго-трахеал анастомоз билан	-	2 (3,9%)	2
Трахея проекциясида анастомоз қўйилган трахеяни икки қаватли резекцияси	-	2 (3,9%)	2
Трахея ва ҳиқилдоқ проекциясида анастомоз қўйилган трахеяни икки қаватли резекцияси	-	1 (2,0%)	1
ЭРПА дан кейин ТЦР си	-	1 (2,0%)	1
Жами	25	51	76

Мультифокал торайишларда ТЦР ни бажаришнинг муҳим шартлари, ҳиқилдоқда патологик ўзгаришларнинг йўклиги ва трахеянинг бутун узунлигида озиқланишини сақланиб қолишидир. Бу торайиш соҳалари орасидаги трахея сегменти учун айниқса муҳимдир. Бунга трахеяни ва қизилўнгачнинг қолган қисмларини боғлаб туриш орқали эришиш мумкин, чунки бу ҳудудда трахеяни озиқлантирадиган томирлар жойлашган (1-расм).



1-расм. ТЦР икки даражада анастомоз чизмаси билан.

Трахеянинг бир вақтнинг ўзида икки қаватдаги резекция қилиш шартлари В.Д. Паршин ва бошқ. (2015 йил) ишларида ифодаланган ва қуйидагича бўлган:

1. Трахеянинг эластиклиги ва ҳаракатчанлигини сақланган ёш беморларда резекция қилиш мумкин;

2. Резекция қилинган иккала стеноз ҳудудининг узунлиги йиғиндисининг узунлиги $1/2-2/3$ дан кўп бўлмаса, рухсат этилади;

3. Ҳаво йўллариининг икки торайган қисми ўртасида шикастланмаган трахея сегментнинг мавжудлиги, унинг узунлиги камида 3 тоғай ярим ҳалқасидан кам бўлмаслиги зарур;

4. Эркин ишлаш имконини берувчи етарли жарроҳлик йўли – бўйлама кўндаланг цервикотомия кесмаси 3 к/о даражасидаги стернотомия.


5. Трахеянинг олд ва ён деворларини, унинг бифуркацияси ва асосий бронхгача бўлган кенг кўламда ажратиш. Иккита торайган соҳа ўртасида жойлашган трахеяни ўзгаришсиз сегментини, қизилўнгачнинг олд деворидан бутунлай ажратиш мумкин эмас.

6. Биринчи босқичда анастомоз шаклланиши билан ҳаво йўллариининг каудал қисмини резекция қилиш керак. Кейин фистула қўйиш билан краниал тугун резекция қилинади.

Ҳаво йўлининг юқори қисмидаги резекция ва анастомоз алоҳида муаммо ҳисобланади. Трахея-ҳиқилдоқ бирикмаларини бажаришда асоратлар частотаси ҳиқилдоқни амалиётдан кейинги параличи ёки шиши ривожланиши билан боғлиқ. Трахея-ҳиқилдоқ анастомозларнинг шаклланишидаги бошқа салбий омил – нафас йўлининг бу сегментида кўп миқдорда тоғай тўқимаси мавжудлиги, бу эса қон билан яхши таъминланмаганлиги, инфекцияга кам чидамлилиги ва тикланиши узоқ давом

этади. Атравматик тикув материални қўллаш ва тракея чоки техникасидан тўғри фойдаланиш бу асоратлар хавфини камайтиради.

Шуни инобатга олиб, 23 нафар беморда юқори ТЧТ трахея-ҳиқилдоқ анастомозини қўллашнинг янги усули ишлаб чиқилган ва қўлланилган. Трахея ва ҳиқилдоқнинг диаметрларини келтириш учун сунъий анастомоз қўйиш вақтида трахеянинг тоғайли ярим айланасининг ўрта чизиғида каудал учида 1-1,5 см. гача бўлган кесма ўтказилади. Бундай ҳолатда, анастомознинг дистал учининг олд девори трахеянинг олдинги ярим-ҳалқасини ушлаш билан тикилган. Чок материаллари сифатида атравматик игнада 2-0 ва 3-0 викрил иплари ишлатилган (2-расм).




2-расм. Биз томонимиздан ишлаб чиқилган усул бўйича циркуляр трахея-ҳиқилдоқ резекцияси.

Ушбу ихтирога Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан № IAP 05200-сонли патенти олинган (28.03.2016).

Трахея жарроҳлигидаги асосий масалалардан бири трахея чокидир. Ушбу масалада анастомознинг ишончилиги ва битиши билан боғлиқ иккита қоидаси бор. Биринчидан, замонавий ип материалларидан фойдаланиш. Иккинчидан, трахеяни тикиш усули.

35 та беморда ТЧТ билан касалланган беморларда ТЦР дан сўнг анастомоз тикиш усули ишлаб чиқилди ва қўлланилди. Шундай қилиб, анастомознинг учларини тикишда учта доимий тикиш қўлланилди: иккита тоғайли деворида ва биттаси мембраноз деворда. Бу ҳолатда, тикишлар трахея текислигига нисбатан 45 даража бурчакда қўйилган. Чоклар трахея девори орқали шиллиқ қаватларсиз тоғай ҳалқани олиш орқали ўтади, нафас олиш йўлининг ички шиллиқ пардаси тикиш чизиғига тушмайди, шунинг учун тикиш трахеяни нисбатан стерил бўшлиғидан ажратиб туради. Анастомоз тўқималарини, биринчи навбатда, трахея шиллиқ қаватларига тўғри келтириш мумкин, шунингдек, чоклар орасига тўқималарни киришига йўл қўйилмайди. Тавсия этилган усул бўйича узлуксиз тикишни қўллаш анастомоз чизиғидаги кучланишни динамик равишда тақсимлашда, айниқса, анастомознинг йўталиш ва ҳаракатланиш вақтида ипга тушадиган юкни камайтиришга имкон беради (3-расм).



3-расм. ТЦР да анастомоз чокларини қўйиш чизмаси.

Ушбу ихтиро учун Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги томонидан берилган № IAP 05550-сонли патенти олинган (01.02.2018).

Шундай қилиб, ТЧТ билан радикал даволанган беморларнинг сонини ошириш истаги даволашда бир қатор техник ва тактик жиҳатдан такомиллаштиришга олиб келди. Шунда, кўп сонли торайишларда трахеяни икки босқичли резекция қилиш усули, трахея-ҳиқилдоқ анастомози ишлаб чиқилган ва қўлланилган янги усули ишлаб чиқилди, ТЦР ни бажаришда чок қўйишнинг янги усуллари жорий қилинди. Асосий гуруҳдаги ушбу янгилик туфайли ТЧТдаги ТЦР сони 41% дан 54% гача ўсди.

Диссертациянинг **“Трахея чандиқли торайишини даволаш натижаларининг таҳлили”** деб номланган бешинчи бобида, ЭА, ЭРПА ва ТЦР қўлланилган таққослаш гуруҳларида ТЧТ билан касалланган беморларни даволашни таҳлил қилиш амалга оширилди.

ТЧТ билан касаланган беморларнинг барчасида ЭА натижалари ижобий бўлган. Барча ҳолатларда нафас олиш, стридор йуқолиши сезиларли даражада яхшиланди.

Трахея торайишини бужлаш ва патологик жараённинг коагуляцияси беморларнинг 32 (88,8%) беморда, асосий гуруҳда эса 28 (63,6%) беморда ўтказилди.

Шунга қарамадан, беморларнинг аксариятида битта бужлашдан кейин узок муддатли ремиссияга эришиш муваффақият қозонмади. Кўп маротаба трахеяни бужлашни талаб қилувчи рестеноз келиб чиқди.

Шу билан бирга, таъкидлашимиз керак 8 (10%) беморда ЭА дан кейин торайишнинг барқарорлашиши соғайиш белгилари кузатилган, фикримизча, бу ҳолат грануляцияловчи чандиқнинг мавжудлиги билан боғлиқ. Таҳлиллар кўрсатдики, бу беморларда торайиш ривожланиш даври 2 ойдан ошмади. Ушбу маълумотларни ҳисобга олиб, ТЧТ ни даволаш усули танлаш учун чандиқланиш жараёнининг босқичини аниқлашга асосланиши зарур деб ҳисоблаймиз. Рестеноз ва ТЦР ни бажариш имконияти мавжуд бўлмаганда ЭРПА чиқиш йўлларида бири ҳисобланади, таққослаш гуруҳида 12 та, асосий гуруҳда 26 ҳолатда бажарилган. Беморларга ЭРПА 4-8 марта

бажарилган. Такқослаш гуруҳидаги беморларда рестенознинг ривожланиши 33,3%, асосий гуруҳда эса 19,2% ни ташкил этди.

